



КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИДА ФОЙДА ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Абдухолиқова Фарангиз

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0008-0108-0993

farangizabduxoliqova57@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижаларини баҳолашда бухгалтерия ҳисоби корхонанинг ривожланиш имкониятларидан келиб чиқиб олган ёки олиши мумкин бўлган фойдалари алоҳида аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилган. Бухгалтерия ҳисоби ёрдамида корхона фойдасининг миқдорига қараб корхонанинг маълум бир даврдаги фаолият натижаларига баҳо бериш мумкинлиги асосланган фойданинг вазифалари белгилаб берилган.

Калит сўзлар: корхоналар фаолияти, барқарор ривожланиш, рақобатбардошлик, бухгалтерия ҳисоби, корхона, ривожланиш, фойда, ўсиш, вазифа.

ПРИБЫЛЬ И ЕЁ ФУНКЦИИ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ

Абдухолиқова Фарангиз

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье обращается внимание на то, что бухгалтерский учет при оценке результатов деятельности хозяйствующих субъектов имеет особое значение в части прибыли, которую предприятие получило или может получить исходя из возможностей своего развития. Определены функции прибыли, на основании которых по размеру полученной предприятием прибыли можно оценить результаты деятельности предприятия за определенный период.

Ключевые слова: деятельность предприятия, устойчивое развитие, конкурентоспособность, бухгалтерский учет, предприятие, развитие, прибыль, рост, миссия.

PROFIT AND ITS FUNCTIONS IN ENTERPRISE ACTIVITIES

Abdukholiqova Farangiz

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. This article draws attention to the fact that accounting in assessing the results of the activities of economic entities is of particular importance in terms of the profit that the enterprise has received or can receive based on its development capabilities. Profit functions are defined, on the basis of which the results of the enterprise's activities for a certain period can be assessed based on the amount of profit received by the enterprise.

Keywords: enterprise activity, sustainable development, competitiveness, accounting, enterprise, development, profit, growth, mission.

Кириш.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда кўп укладли иқтисодиёт амалда шаклланиб бўлган. Унинг таркибида хусусий мулк устувор ривожланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Шу билан бир қаторда, иқтисодиётимизнинг локомотиви бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга эътибор берилмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бориши шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижаларини баҳолашда бухгалтерия ҳисоби корхонанинг ривожланиш имкониятларидан бири сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, бухгалтерия ҳисоби ёрдамида корхона фойдасининг миқдорига қараб корхонанинг маълум бир давр (ой, чорак, йил) давомида қандай фаолият юритганлигига баҳо бериш мумкин. Шунинг учун ҳам жуда кўп ҳолларда ҳар қандай фаолият юритишнинг асосий мақсади фойда олишдир, деб қайд этилиши бежиз эмас, албатта. Шу сабабли ҳар қандай корхона доирасида фаолият кўламини янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларини техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ёки модернизация қилиш, жамоани моддий ёки молиявий рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш, охир-оқибатда, бухгалтерия соҳасининг бир қисми бўлган фойда кўрсаткичига бориб тақалади.

Адабиётлар шарҳи.

Бугунги кунда, фойда категориясининг иқтисодий мазмуни ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топмоқда. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларда фойданинг иқтисодий мазмуни бўйича назарий муаммолар иқтисодчи олимлардан Абдукаримов (2010), Пардаев ва бошқалар (2007) томонидан тадқиқ қилинган.

Тадқиқотчи олим Астанованинг (2012) “Харажатлар ҳисобининг ривожланиши ва унинг бошқарув ҳисоби тизимидаги ўрни” номли мақоласида таннарх ҳисобининг юзага келиши ва уни тараққий эттиришда олимларнинг ҳиссалари баён қилинган. Уларнинг асосийларини қайд этамиз. “Ўн саккизинчи асрларга келиб ишлаб чиқариш харажатлари тизими қўлланила бошланди.

Биринчи бўлиб Жеймес Додсон томонидан бухгалтерия техникаси ва ишлаб чиқаришнинг натурал-қиймат ҳисоби асосланган. Чарльз Беббич (2011) биринчи марта ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги таннархини аниқлаш ғоясини илгари сурган.

Харажатлар ҳисобини ривожлантиришда француз олимлари катта ҳисса қўшишган. Масалан, Жан Густав-Сенель (1813-1893) харажатлар назарияси ва костингнинг моҳиятини тадқиқ этиб, биринчи марта харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни ҳисобга олиш тартиблари ўртасидаги фарқни асослаб берган.

Германияда саноатнинг ривожланиши саноат маҳсулотларининг таннархини ҳисоблаш вазифасини биринчи ва муҳим омиллар қаторига олиб чиқади. Альберт Кальмес (1999) маҳсулот таннархини ҳисоблаш заруриятини илмий жиҳатдан асослади. У ўз ишларида саноат ҳисоби назариясини асослаб берди. Кальмес (1999) корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлишни тавсия этди.

Рус олими Рудаковский (2019) иккита таннархни ҳисоблашни таклиф этади: биринчиси – меъёрий харажатлар бўйича; иккинчиси – ҳақиқий харажатлар бўйича. В.И.Стоцкий фанда илк марта костингнинг бир қатор таснифларини ишлаб чиққан. У биринчи марта харажатларни тўғри ва эгри, асосий ва иккиламчига ажратади” (Астанов, 2012).

Ушбу тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, юқоридаги олимларимизнинг ишлари бугунги кунда таннарх ҳисобининг юзага келиши, харажатлар ҳисоби концептлари шаклланишига асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларида фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, статистик маълумотлар асосида уларни таҳлиллари амалга оширилиб илмий хулосалар берилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш учун унинг таркибий тузилишини муттасил такомиллаштириб бориш заруратини янада кучайтирди. Бундай шароитда юртимизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект рақобат курашида енгиб чиқишга, ўзларининг манфаатларини мутлоқ қондиришга ҳаракат қиладилар. Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобат курашида устунлик қилишларида энг муҳим кўрсаткичлардан бири эса фойда ҳисобланади. Шу сабабли, иқтисодиётдаги барча корхоналар ўз фаолиятлари натижаларидан кўпроқ фойда олишга ҳаракат қиладилар. Ҳар қандай корхона оладиган фойда нафақат ўзининг товар ёки хизматини анча юқори нархларда сотишга, балки товар ишлаб чиқариш ёки хизматни таклиф этиш ва уни сотишга қилинадиган харажатларни камайтиришга ҳам интилади.

Ушбу масалаларни амалга ошириш учун хўжалик юритувчи субъектларда фойда иқтисодий категориясини назарий жиҳатларини ўрганиш долзарб ва муҳим саналади.

Мамлакатимизда жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлиги ва ривожланишининг асосий омилларидан бири фойда кўрсаткичининг ошиши ҳисобланади. Унинг миқдори корхоналарни ривожланишига жамғариш манбаи сифатида асос солади; мулкдорни мулкни купайишини таъминлайди; акциядорларни даромadini (дивидендларни ортиши орқали) оширади; корхонани молиявий барқарорлигининг ва тўлов қобилиятини саклашга имконият яратади ва нихоят у корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга имконият яратади.

Фойданинг биринчи вазифаси тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг асосий мотиви, унинг якуний мақсади корхона эгаларининг молиявий аҳволини яхшилаш эканлигига боғлиқ. Киритилган капиталга олинувчи даромад ҳажми бундай ўсишнинг тавсифномаси бўлиб, унинг манбаи корхона олувчи фойда ҳисобланади. Корхонанинг бошқа ходимлари учун ҳам фойда асосий мотив ҳисобланади, чунки у меҳнат ҳисобига қўшимча моддий мукофотларни таъминлайди ва бир қатор ижтимоий эҳтиёжларни қондиради.

Фойданинг иккинчи вазифаси иқтисодий самарадорликни аниқлаш билан боғлиқ бўлиб, у корхона фаолиятининг пировард натижаларини сарфланган харажатлар билан солиштириш воситасида унинг хўжалик фаолияти самарадорлигини тавсифлайди. Бошқа барча шартлар бир хил бўлганда жами харажатлар кўпроқ фойдани таъминласа ёки мазкур фойда миқдorigа минимал харажатлар билан эришилганда корхона фаолиятини самарали ҳисоблаш мумкин.

Фойданинг учинчи вазифаси корхонанинг ривожланиши учун молиявий ресурслар манбаи билан боғлиқ бўлиб, у корхона фаолият юритиш учун энг аввало моддий ва меҳнат ресурсларига эга бўлиши лозимлигини тавсифлайди. Бу эса ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Буни ташкил қилиш учун молиявий маблағлар зарур бўлади. Молиявий ресурс иқтисодий мазмуни жиҳатдан ўз маблағлари ва четдан жалб қилинган маблағлардан иборат. Корхона фаолиятдан қанчалик кўп фойда олса, ўз маблағлари шунчалик кўпаяди.

Фойданинг тўртинчи вазифаси марказий ва маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини шакллантирувчи манба сифатида давлатнинг бюджетини солиқ билан тўлдириб боришда иштирок этади. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект юридик шахс ёки

якка тадбиркор сифатида давлат ёки маҳаллий бюджетга солиқ тўлайдилар, шу билан бирга, уларнинг бир қисми ёлланган ходимлар сифатида ойлик маош билан таъминланган бўладилар, натижада улар даромад солиғи билан давлат бюджетининг шаклланишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Хулоса ва таклифлар.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, фойда хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлигини ошириши, уларнинг ривожланишида ҳам катта аҳамиятга эга. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

- тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади ва ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш омили;
- хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш чораси;
- корхонанинг ривожланиши учун молиявий ресурслар манбаи;
- марказий ва маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини шакллантирувчи манба.

Уйлаймизки, ушбу омилларга алоҳида эътибор қаратилса, корхона ва ташкилотлар ҳамиша фойданинг аҳамиятли жиҳатлари ва турларини ўрганишади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Абдукаримов Б. ва бошқалар. (2013) Корхона иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: “Фан ва технологиялар”.

Абдукаримов Б.А. (2010) Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик, –Т.: «Иқтисод-молия». I-қисм. 2-қайта ишланган ва тўлдирилган наشري.

Абдукаримов Б.А. (2010) Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик, –Т.: «Иқтисод-молия». I-қисм. 2-қайта ишланган ва тўлдирилган наشري.

Астанова Ф.А. (2012) Харажатлар ҳисобининг ривожланиши ва унинг бошқарув ҳисоби тизимидаги ўрни. // <https://cyberleninka.ru/article/n/harazhatlar-isobining-rivozhlanishi-va-uning-bosh-aruv-isobi-tizimidagi-rni/viewer>.

Кальмес, Альберт (1999) Большой бухгалтерский словарь : 10 000 терминов / Авт. и сост.: М. Ю. Агафонова и др.; Под ред. А. Н. Азрилияна —М.: Ин-т новой экономики, — 569 с. — ISBN 5-89378-003-5.

Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. (2007) Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. –Т.: “Фан ва технология”.

Петров-Рудаковский, А.П. (2019) Зарубежный опыт взаимодействия пограничных и таможенных органов в вопросах охраны государственной границы и защиты экономических интересов государства / А.П. Петров-Рудаковский // Актуальные проблемы обеспечения пограничной безопасности : материалы III Междунар. заоч. науч.-практ. конф., Минск, 20 февр. 2019 г. в 2 ч. / ГУО «Институт пограничной службы Республики Беларусь»; редкол.: П. И. Миронюк [и др.]. – Минск : ГУО «ИПС РБ», – Ч. 2. – С. 215–219.

Чарльз Бэббидж (2011) изобретатель и... политэконом. // Computerworld Россия, № 17, 2001. Дата обращения: 11 апреля.